



## МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИДА БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

**Ходжамов Нарзулло Амир ўғли -**  
Тошкент амалий фанлар университети  
ўқитувчуси

[doi:https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss6/a37](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a37)

**Анноатация.** Ушбу мақолада хорижий ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув тузилиши, ўзига хосликлари ва самарадорлиги таҳлил қилинган.

Олиб борилган таҳлиллар натижасида хорижий мамлакатларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув самарадорлигини оширишга қаратилган сиёсатининг айрим жиҳатлари Ўзбекистонда татбиқ этиш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ижроия органлари, бошқарув самарадорлиги, бошқарув тузилиши, бошқарув соҳасидаги марказлашув.

### FOREIGN EXPERIENCE OF IMPROVING MANAGEMENT EFFICIENCY IN LOCAL GOVERNMENT BODIES

**Ходжамов Нарзулло Амир ўғли -**  
преподаватель Ташкентский  
университет прикладных наук

**Annotation.** This article analyzes the management structure, peculiarities and effectiveness of local government bodies in foreign developed and developing countries.

As a result of the conducted analysis, proposals and recommendations were developed for the implementation of some aspects of the policies of foreign countries aimed at increasing the efficiency of management in local government bodies in Uzbekistan.

**Key words:** local state authorities, local executive bodies, management efficiency, management structure, centralization in management.

### ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ УПРАВЛЕНИЯ В ОРГАНАХ МЕСТНОГО САМОУПРАВЛЕНИЯ

**Xodjamov Narzullo Amir o'g'li -**  
Teacher Tashkent university of  
applied sciences

**Аннотация.** В данной статье анализируются структура управления, особенности и эффективность органов местного самоуправления в зарубежных развитых и развивающихся странах.

В результате проведенного анализа разработаны предложения и рекомендации по реализации некоторых аспектов политики зарубежных стран, направленной на повышение эффективности управления в органах местного самоуправления в Узбекистане.

**Ключевые слова:** местные органы государственной власти, местные исполнительные органы, эффективность управления, структура управления, централизация в управлении.

**Кириш.** Бугунги кунда Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлиги ошириш билан боғлиқ масалалар алоҳида долзарб аҳамиятга эга. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини тартибга солувчи асосий ҳуқуқий асос бўлиб, унга мувофиқ, Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари 2 га ажратилади: маҳаллий вакиллик органлари ва маҳаллий ижроия органлари.

1. Маҳаллий вакиллик органлари ўз фаолиятини коллегиаллик асосида олиб боради. Маҳаллий кенгаш ишининг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакли сессия ҳисобланади. Маҳаллий

вакиллик органларининг ҳамма бўғинлари сайлов йўли билан ташкил қилинади. Қонун вакиллик органларига ҳар томонлама билимга, тажрибага эга, кенг, мустақил фикрловчи шахсларнинг сайланишини ва бу органлар ишchan бўлишини назарда тулади.

2. Маҳаллий ижроия органлари — ҳокимиятларга вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошчилик қилади ва у яккабошчилик принципи асосида иш олиб боради. Ҳокимиятлар бошқармалар, бўлимлар ва бўлинмалардан иборат бўлиб, уларнинг тузилиши, ташкил этилиши ва фаолияти ЎзРнинг Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган тегишли низомлар билан белгиланади [1].

Таъкидлаш керакки, замонавий глобал ўзгаришлар даврида маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув тизими самарадорлиги ни ошириш муҳим аҳамиятга эга. Жамиятнинг умумий фаровонлиги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида белгиланган мақсадларнинг якуний натижалар билан қандай боғлиқлиги, иш самарадорлиги қанчалик юқори эканлиги ва, албатта, аҳоли ўз фаолияти натижаларини қандай баҳолашига боғлиқ экани шубҳасиз. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув самарадорлигининг мавжуд тизимини такомиллаштириш муваффақиятли хорижий тажрибалар асосида, уларнинг энг яхшиларини мамлакат ҳамда худудлар аҳолисининг дунёқараши, анъаналари ва менталитетидан келиб чиққан ҳолда қўллаш мақадга мувофиқ.

Бунинг учун эса хорижий мамлакатларда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тузилиши, вазифалари ва тамойилларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув самарадорлигини оширишнинг чора-тадбирларини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Шу жиҳатдан ҳам, ушбу илмий мақоланинг мавзуси долзарб бўлиб, хорижий ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув тизимини тадқиқ этиш мақоланинг мақсади ҳисобланади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** XXI аср бошларида ўзгариб бораётган ижтимоий-иқтисодий шароитлар ва молия секторидаги инқироз жаҳон ҳамжамиятини давр чақириқларига жавоб бериш механизмларини такомиллаштиришга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини баҳолашнинг янги усулларини излашга мажбур қилди. Ҳозирда эксперталар (П.Дунливи, Х.Маргец) "янги давлат бошқаруви"нинг "таназзулга учраши", кучли марказлашган ҳокимият ва замонавий электрон технологиялардан фойдаланишга асосланган бошқарувнинг рақамли даврининг келиши ҳақида гапирмоқда [2].

А.С.Ермакованинг келтиришича, бошқарув соҳасидаги марказлашув қўйидаги мамлакатларга хосdir: Япония, Франция, Италия, Испания, Нидерландия, бу ерда марказлаштирилган тизим миллий таълим стандартларини яратишга, аҳолининг маданий ҳамжамиятини сақлашга ёрдам беради, авторитар тенденцияларни кучайтиради. Бундай тизимдан фарқли ўлароқ, таълим соҳасида ҳали ҳам муҳим автономияга эга бўлган АҚШдаги штатлар, ГФРдаги ерлар, Англиядаги графликлар, Швейцариядаги кантоналар, уларга хос бўлган марказлашмаган тизим катта имкониятлар очади.

Ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирида бу икки тизим яқинлашишга интилади. Марказий ҳукумат маҳаллий ҳокимиятларнинг автономияларини тан олади, лекин айни пайтда улар

устидан маълум бир назоратни кучайтиради. Farбда миңтақавий ҳокимият ва маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг конституциявий ва ҳукуқий кафолатларига катта аҳамият берилади[4].

С.А.Беляковнинг фикрича эса, федерация ва унинг субъектлари ўртасидаги юрисдикция чегараларини белгилаш каби муҳим масалани ҳал қилишда барқарорлик фақат конституциянинг ўзида ҳал этилганда гина таъминланиши мумкин. Бироқ, баъзи мамлакатларда, конституция, айрим масалалар бўйича, амалдаги қонунчиликда федерация ва субъектлар ўртасидаги юрисдикция чегараларини белгилашга рухсат беради[5].

В.В.Еремяннинг тадқиқотларига мувофиқ [6], маҳаллий ҳокимият органларининг бошқарув фаолияти мураккаблиги билан фарқ қиласди. Чунки у ҳукуқий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жабҳаларни ўз ичига қамраб олади.

Таъкидлаш керакки, замонавий илмий адабиётларда давлат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бошқаруви фаолиятининг турли жиҳатлари қадимги дунё файласуфларидан тортиб бугунги замонавий иқтисодчи олимлар илмий изланишларида кўриб чиқилган. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш шакллари ва усулларининг назарий масалалари В. Макконнел, В.К. Митчелл, Г. Мирдал, П.А. Самуелсон, Н. Клиш, Ж. Стиглер, Г. Туллоch, М. Фридман, Ф. фон Ҳаек, Л. Эрхард, К.Барнард, П.Друкер, Т.Питерс, Д.Синк, Р.Уотерман ва бошқа хорижий олимларнинг ишларида ўрганилган.

Жумладан, Т. Питерс – Р. Уотерманнинг бошқарув моделида келтирилишича, бошқарув қарорларни ўз вақтида қабул қилишга асосланиши ва инсон манфаатларига хизмат қилиши керак [16].

МДҲ мамлакатлари олимлари орасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бошқаруви бўйича А.М.Скоков, Лукъянова М.Н., А.Гретченко, Е.Кузнецова тадқиқот олиб борганлар.

Жумладан, А.М.Скоков келтиришича, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари хорижий мамлакатларда жамоат ташкилотлари сифатида фаолият олиб боради. Шу сабабдан ҳам, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари функцияларини шакллантиришда уларни давлат бошқарувига эмас, балки ҳалқа яқин орган сифатида келтириш керак [17]. А.Гретченко эса маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларини қабул қилишда ҳалқ иштирокини таъминлаш кераклигини, чунки маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолити бевосита ҳалқ тўлаётган солиқларга боғлиқ эканини, келтиради [18].

Маҳаллий иқтисодчи олимлар орасида Ш.Р.Холмўминов, Г. М.Шамарова, А.Холов томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларида самарали қарорлар қабул қилиш тизимини татбиқ этиш масалалари ўрганилган. Жумладан,

А.Холовнинг келтиришича, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан уларнинг қонунга риоя қилишларини, ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришларини кузатиш ва назорат қилиш механизмларини та-комиллаштиришга доир тартиб тамойилларни белгилашда, аввало, ижро ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида фуқароларга тўла ва ҳаққоний ахборотларни етказиш лозим. Бунинг учун ом-мавий ахборот воситаларида давлат идоралари томонидан қабул қилинган қарорларнинг матнларидан ташқари, уларнинг моҳияти, қарордан кўзланган мақсад ёритилиши керак [19].

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқотда хорижий ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлarda маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув тузилиши, ўзига хосликлари ва самарадорлиги таҳлил қилинган бўлиб, таҳлил жараёнида илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, илмий хуносалаш каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Демократик режимга эга ривожланган аксарият мамлакатлarda муниципал бошқарувни ташкил этишнинг марказида икки ёки уч босқичли бошқарув тизими ётади. Давлат бошқарувининг кўп босқичли тизимининг мақсади ҳокимият органларини аҳолига имкон қадар яқинлаштириш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган шакллар орқали аҳолини муниципалитетларни бошқариш жараёнига жалб этишдан иборат. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш маҳаллий аҳоли ва муниципалитет бошқарув органларининг иштироки ва синергиясига асосланади. Муниципалитетларнинг фуқаролари муниципалитетларнинг ҳуқуқий


хужжатларини, шаҳар бюджетлари лойиҳалари-ни ва ҳоказоларни муҳокама қилишда фаол иштирок этадилар.

Жаҳонда маҳаллий ҳокимият органларини бошқаришнинг 3 модели кенг қўлланилади. Булар:

- Англо-саксон модель;
- Континенталь модель;
- Иберия модель.

Бошқарувнинг англо-саксон модели Буюк Британия ва АҚШ тажрибасида учрайди. Хорижий давлатларнинг муниципал бошқарувининг асосини маъмурий-худудий бўлиниш ташкил ётади. Муниципал бошқарув объекти бўлган худудларнинг чегараларини ўзгартиришга фақат ушбу худудлар аҳолисининг фикрини ҳисобга олган ҳолда йўл қўйилади. Хусусан, Буюк Британияда муниципалитет чегараларини ўз фуқароларининг фикрини эътиборга олмасдан амалга оширилган ўзгартириш аҳолининг маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни амалга ошириш ҳуқуқларини қўпол равишда бузиш сифатида тан олинади. Муниципал бошқарувнинг англо-саксон моделида мер лавозими назарда тутилмаган, бундай турдаги функционал юқ жамоат кенгаши раиси зиммасига тушади. Ижро этувчи ҳокимиятни муниципалитет бошлиғи ва унинг ёлланган ходимлар томонидан тузилган аппарати амалга оширади [11].

АҚШдаги маҳаллий бошқарув тизими ҳам англосаксон моделига мансуб бўлиб, бунда маҳаллий ҳокимият ва давлат органларининг функциялари ажратилган ва турли ҳокимият тузилмалари томонидан амалга оширилади (1-расм).



1-расм. Маҳаллий давлат органлари (АҚШ)[7]

Маҳаллий ҳокимият органларига федерал бюджет (шунигдек, штатлар бюджети) томонидан ажратиладиган субвенциялар бир нечта асосий вазифаларни ҳал қилишга хизмат қилади. Биринчидан, улар нисбатан секин ривожланаётган худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга кўмаклашишга мўлжалланган

бўлиб, бу ўзини-ўзи бошқариш тузилмаларининг тарихий, географик, иқтисодий, демографик, этник ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган ёндашув орқали эришилади.

Иккинчидан, ижтимоий ҳимоя дастурлари доирасида кам таъминланган оиласар, ногирон-

лар ва ёлғиз оналар давлат томонидан белгиланган стандартларга мувофиқ компенсациялар, имтиёзлар ва хизматлар билан таъминланади: бутун мамлакат бўйлаб озиқ-овқат маҳсулотлари тўплами, уй-жой, тиббий ва коммунал хизмат.

Учинчидан, аҳоли бандлигини таъминлаш, кадрлар тайёрлаш ва таълим олиш бўйича туман ва шаҳарларни тенглаштириш имкониятлари яратилмоқда.

Тўртинчидан, субвенциялар маҳаллий бюджетлар харажатларининг қўшимча манбаи бўлиб, солиқ ставкаларини оптималлаштириш ва солиқ юкини тақсимлашга хизмат қиласди.

АҚШда миңтақавий ўзини ўзи бошқаришнинг асосий бўлинмалари округлардир (фақат Луизиана штатида бундай ҳудудий тузилмалар черков деб аталади). Уларнинг умумий сони 3 мингдан сал кўпроқ бўлиб, улар асосан шаҳардан ташқари ҳудудларни бошқариш учун хизмат қиласди.

Округлар дастлаб иккита асосий мақсадни амалга ошириш учун тузилган:

сайловларни ўtkазиш ва одил судловни амалга оширишда штатларга ёрдам бериш;

шунингдек, қишлоқ аҳолисига турли хизматлар кўrsatiш, жумладан, курилиш ва тартибни сақлаш.

АҚШда округлар кенгашининг маъмурий ходимларга таъсири хусусиятига қараб округ

бошқарувининг учта асосий шакли қўлланилади:

1. Комиссия шакли энг анъанавий бўлган, аммо ҳозирда кам самараага эга. Унинг ажралиб турадиган хусусияти шундаки, округ кенгаши ҳам қонун чиқарувчи, ҳам ижро этувчи, баъзи штатларда эса суд функциясини бажаради. Ушбу шакл юқори мансабдор шахснинг мавжудлигини назарда тутмайди. Комиссия шаклига кўра, ваколатлар бўлиниши йўқ. Комиссия сайланган шахслардан тузилади. Назорат ва ўзаро масъулиятнинг йўқлиги, зарур тажрибанинг етишмаслиги, комиссия агентлари томонидан фақат ўз бўлимлари манфаатларини ҳимоя қилиш, бекарорлик ва ҳамкорликнинг йўқлиги ушбу шаклининг камчиликлари деб аталади.

2. Фарбда ва айрим жанубий штатларда "кенгаш-менежер" шакли устунлик қиласди. Ушбу шакл кенгаш томонидан маълум муддатга профессионал мансабдор шахс – менежернинг тайинланиши билан тавсифланади. У муниципал аппаратдаги энг муҳим лавозимларга керакли шахсларни танлайди, унинг фаолияти дастурини ишлаб чиқади ва унинг бажарилишини назорат қиласди. Кенгаш стратегик характердаги энг муҳим масалаларни ҳал этиш, солиқлар даражасини белгилаш ва бюджет маблағларини тасдиқлаш ваколатларини ўзида сақлаб қолади (2-расм).



2-расм. "Кенгаш-менежер" бошқарув шаклининг тузилиши [12]

3. "Ҳоким – кенгаш" шакли биринчи марта 1835 йилда юзага келган. Умуман олганда, сайланган раҳбарнинг вазифалари аввалги шаклдаги бошқарувчи функцияларига ўхшашиб, бироқ сайланган раҳбар ҳам ҳудуд бошлиғи расмий мақомига эга. Унинг сиёсий роли ва таъсири анча юқори. У туман кенгаши қарорларига вето қўйиш, округ сиёсатининг асосий йўналишларини кенгашга таклиф қилиш, округ номидан оммавий баёнотлар билан чиқиш ҳуқуқига эга. "Ҳоким - кенгаш" шакли федерация органларининг тузилишини тақрорлайди. Ушбу модельнинг иккита тури маълум:

"кучли мер - заиф кенгаш";  
"заиф мер - кучли кенгаш".

"Кучли мер - заиф кенгаш" шакли АҚШнинг аксарият иирик шаҳарларида мавжуд. Бу шакл ижро этувчи органни (ҳоким) бевосита аҳоли томонидан сайланниши билан тавсифланади, бу эса унинг вакиллик органига нисбатан салмоқли позициясини белгилайди. Шаҳар ҳокими кўплаб долзарб масалаларни мустақил равишда ҳал қиласди ва кенгаш қарорларига вақтинчалик вето қўйиш ҳуқуқига эга бўлиб, уни фақат охирги аъзоларнинг кўпчилик овози билан енгиш мумкин [8].

Муниципал бошқарувнинг континентал модели штат ва муниципал бошқарув иерархияси билан ажралиб туради, бунда муниципал бошқарув давлатга бўйсунади. Давлатнинг марказлашган ҳокимияти муниципалитетлар фаолияти устидан назоратни амалга оширади. Ушбу модель давлат ва муниципал ҳокимият органларининг функцияларини аниқ тартибга солиш билан тавсифланади.

Муниципал бошқарувнинг аралаш модели Япония, Германия ва Австрия каби давлатлар томонидан қўлланилади. Бу модель давлат бошқарувининг континентал ва англо-саксон моделлари хусусиятларини бирлаштиради. Бундай моделга кўра, давлат ҳокимияти вакиллари ҳам бўлган муниципал ҳокимиятлар бўлиши мумкин ва бошқарувни штатлар ҳукуматлари томонидан тайинланадиган президентлар амалга оширадиган худудий бирликлар бўлиши мумкин. Президент коммуналарнинг бошқарув органлари фаолиятини назорат қилиш соҳасида кенг ваколатларга эга. Ушбу бошқарув моделининг қўйи бўғини туман маъмуриятлари раҳбарлари бўлиб, улар бир вақтнинг ўзида давлат мансабдор шахслари сифатида ишлайди ва коммуна бошқарувининг ижроия органларига раҳбарлик қиласди.

Масалан, Японияда маҳаллий бошқарув тизими (шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар даражасида) ва префектуралар даражасида давлат бошқаруви ривожланган. Япония конституциясида айтилишича, "муниципалитетларнинг органларини ташкил этиш ва фаолияти тўғрисидаги қоидалар маҳаллий автономия принципига мувофиқ қонун билан белгиланади".

Префектуралар бошлиқлари, шаҳар ҳокимлари ва қишлоқ бошлиқлари, шунингдек, префектура, шаҳар ва қишлоқ фуқаролар йигинлари аъзолари "тегишли муниципалитетлар ҳудудида яшовчи аҳоли томонидан тўғридан-тўғри сайловлар йўли билан" ҳар 4 йилда сайланади. Юқори ижро этувчи ҳокимият органларининг қарори билан муниципалитетлар раҳбарларини муддатидан олдин ишдан бўшатиш имконияти мавжуд. Префектуралар раҳбарлари, шаҳар ҳокимлари ва қишлоқ бошлиқлари тегишли мажлислар қарорларига вето қўйиш ҳуқуқига эга ва уларни тарқатиб юбориши мумкин. Маҳаллий ижроия ҳокимияти вакиллари маҳаллий мажлисларнинг маҳсус доимий комиссиялари ҳисобланади. Конституцияда алоҳида таъкидланганидек, маҳаллий ҳокимият органлари "ўз мулкини бошқариш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш ва маъмурий функцияларни бажариш; қонун доирасида ўз фармонларини чиқариши мумкин" [10].

Муниципал бошқарувнинг иберия модельининг шаклланиши Лотин Америкаси, Португалия ва Испания мамлакатлари учун хосdir. У

баъзи араб давлатлари томонидан ҳам қўлланилади. Ушбу модельнинг моҳияти шундан иборатки, маъмурий-худудий бўлинишнинг ҳар бир даражаси маҳаллий кенгашлар ва муниципал бошқарув раҳбарлари томонидан тақдим этилган ўз ваколатларига эга. Иккинчиси кенгаш томонидан ёки бевосита аҳоли томонидан сайланади. Муниципал бошқарув раҳбарларини тайинлаш амалга оширилмайди, лекин марказий ҳукумат томонидан тасдиқланishi керак.

Масалан, Испаниянинг худудий ташкилоти муниципалитетлардан, вилоятлар ва минтақавий автоном бирлашмалардан иборат. Мамлакат худудий ташкилотининг барча элементлари ўз ишларини юритишида автономияга эга.

Испаниянинг дастлабки ҳудудий бирлиги муниципалитет бўлиб, у юридик шахснинг тўлиқ ҳукуқларига эга ва сайланган муниципал кенгашлар томонидан бошқарилади. Кенгаш аъзолари тегишли муниципалитет аҳолиси томонидан умумий, тенг, эркин ва яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Кенгашнинг ўзи ёки аҳоли алкалдани, муниципалитетнинг ижро этувчи органи бошлиғини сайлайди.

Бир қанча муниципалитетлар вилоятларга бирлаштирилиб, худудий асосда тузилган. Ҳар бир вилоятдаги вакиллик органи ҳалқ овози билан сайланадиган вакиллар йиғилишидир. Испания Конституцияси маҳсус минтақавий автоном бирлашмаларнинг кенг автономия ҳукуқидан фойдаланишини назарда тутади. Бундай уюшмалар тарихий, маданий ва иқтисодий ривожланишининг умумий хусусиятларига эга бўлган бир-бири билан чегарадош вилоятлар, шунингдек, ягона тарихий худудни ифодаловчи ороллар ва вилоятлар томонидан тузилиши мумкин.

Испанияда икки хил автономия мавжуд: маъмурий ва миллий-худудий. Ва шу муносабат билан Испания минтақавий давлат сифатида таснифлана бошлади.

Маъмурий автономияга эга ҳудудлар бирлаштирувчи вилоятларнинг вилоят кенгашлари ва аҳолиси ҳар бир вилоят ёки ҳар бир оролнинг бир қисми бўлмоқчи бўлган сайлов корпусининг кўпчилик қисмини ташкил этувчи муниципалитетларнинг 2/3 қисмининг ташабbusi билан тузилади. Кейин вилоят кенгашлари депутатлари, шунингдек, тегишли вилоятлардан Кортесга сайланган депутатлар ва сенаторлардан иборат таъсис ассамблеяси автоном вилоят низоми лойиҳасини ишлаб чиқади ва уни қонунчилик ташабbusi сифатида Кортесга тақдим этади. Низом лойиҳаси ҳар қандай қонун лойиҳаси учун белгиланган тартиблардан ўтади ва тегишли худуднинг автономияси тўғрисидаги органик қонун шаклида парламентнинг иккала палатаси томонидан тасдиқланади. Шу тарзда тасдиқланган низом Испания умумий қонунчи-

лигининг ажралмас қисми ва автоном ҳудуднинг асосий ҳуқуқий ҳужжати ҳисобланади.

**Хулоса ва таклифлар.** Олиб борилган таҳлиллар натижасида қўйидаги хулоса ва таҳлиллар шаклланди:

АҚШ маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарувида демократия тамойилларининг устунлик қилиши, халқнинг хоҳиши, овози ва бошқарувдаги иштироки муҳим аҳамият касб этади. Аммо маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарувини ташкил қилишда чалкашликларнинг мавжудлиги (маҳаллий органларнинг бир неча турларга ажратилиши, уларнинг бошқарувига ҳам эркинликларнинг берилганини) бошқарув жараёнини мураккаблаштиради ва самарадорлиги пасайишига сабаб бўлади;

Муниципал бошқарувнинг аралаш модели (хусусан, Япония тажрибаси) маҳаллий бошқарув органлари фаолиятининг конституцияда белгиланганлиги ва бошқарув жараёнида қатъий талабнинг амал қилиши билан ҳамиятидир. Ушбу модельнинг Ўзбекистонда қўлланилиши ҳам самарали бўлиши мумкин;

Муниципал бошқарувнинг иберия модели мамлакатимизнинг ҳудудий тузилиши ва уни бошқариш моделига мувофиқ келмайди. Сабаби ушбу модельда маҳаллий бошқарув органларига тўлиқ мустақиллик берилади. Иберия моделини мамлакатда қўллаш маҳаллий бошқарув органларини фаолиятини молиялаштиришда тушунмовчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

#### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуни. 02.09.1993 йилдаги 913-XII-сон. <https://lex.uz/docs/112170>
2. Dunleavy, P. New Public Management is Dead : Long Live Digital Era Governance / P. Dunleavy, H. Margetts // Journal of Public Administration Research and Theory. – 2006. – July. – P. 467–494.
3. Benington, J. Public Value : Theory and Practice (Paperback) / Prof. John Benington, Mark H. Moor. – Basingstoke: Palgrave Macmillan Publisher, 2011. – 336 p.
4. Ермакова А. С., Правовая организация взаимодействия органов государственной исполнительной власти с органами местного самоуправления в сфере образования.- диссертация. -из фондов Российской государственной библиотеки.-2006г.-С. 140;
5. Беляков Сергей Анатольевич Зарубежный опыт совершенствования управления образованием: основные модели // Университетское управление: практика и анализ. 2009. № 1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zarubezhnyy-optyot-sovershenstvovaniya-upravleniya-obrazovaniem-osnovnye-modeli> (дата обращения: 12.09.2022);
6. Еремян В.В. Местное управление и местное самоуправление в Латинской Америке. Автореферат док. Диссертации. 2001.
7. <https://share.america.gov/ru/%D0%BC%D0%B5%D1%81%D1%82%D0%BD%D0%BE%D0%B5-%D1%81%D0%B0%D0%BC%D0%BE%D1%83%D0%BF%D1%80%D0%B0%D0%B2%D0%BB%D0%B5%D0%BD%D0%B8%D0%B5%D0%B2%D1%81%D1%88%D0%BD%D0%BC%D1%8D%D1%80%D1%8B-%D0%BF%D0%BE%D0%BB/>
8. Организация местных органов власти (самоуправления) в США. <http://politics.ellib.org.ua/pages-7549.html>
9. Лыска А.Г. Опыт внедрения норвежской модели сетей повышения эффективности местного самоуправления в Восточной Европе / А.Г. Лыска // Вопросы государственного и муниципального управления. – 2014. – № 3
10. Мандриченко А.Д. Зарубежный опыт оценки эффективности деятельности органов государственного управления на региональном уровне // Ученые записки Тамбовского отделения РоСМУ. 2019. №14. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zarubezhnyy-optyot-otsenki-effektivnosti-deyatelnosti-organov-gosudarstvennogo-upravleniya-na-regionalnom-urovne> (дата обращения: 18.09.2022).
11. [https://spravochnick.ru/gosudarstvennoe\\_i\\_municipalnoe\\_upravlenie/zarubezhnyy\\_optyot\\_mestnogo\\_samoupravleniya/](https://spravochnick.ru/gosudarstvennoe_i_municipalnoe_upravlenie/zarubezhnyy_optyot_mestnogo_samoupravleniya/) (дата обращения: 22.09.2022).
12. Романова, Е. О. Местное самоуправление в США / Е. О. Романова, А. С. Коломиец. // Актуальные вопросы местного самоуправления в Российской Федерации : Сборник научных статей по итогам I Всероссийской научно-практической конференции, посвященной Дню местного самоуправления, Стерлитамак, 26–27 апреля 2018 года / Ответственный редактор Р.М. Усманова. – Стерлитамак: Стерлитамакский филиал ФГБОУ ВО "Башкирский государственный университет", 2018. – С. 103-107. – EDN XVBWUP.
13. Holm-Hansen J. Norway's Municipal International Cooperation – Results Achieved and Lessons Learnt [Электронный ресурс] // Norwegian Institute for Urban and Regional Research: Oslo, March 2015. URL: <http://www.nibr.no/filer/2015-6.pdf> (дата обращения: 20.09.2022).
14. Норрис, М. В. Местное самоуправление на полуострове Малайзия, Дэвид Грин Принтерс, Кеттеринг, Северные муравьи, 1980.
15. [https://ru.upwiki.one/wiki/Local\\_government\\_in\\_Malaysia](https://ru.upwiki.one/wiki/Local_government_in_Malaysia)
16. Ghinea, Valentina & Bratianu, Constantin. (2007). Organizational culture modeling.
17. Скоков А. М. Местное управление и самоуправление в странах СНГ // Рос. мед.-биол. вестн. им. акад. И.П. Павлова. 2003. №1-2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/mestnoe-upravlenie-i-samoupravlenie-v-zarubezhnyh-gosudarstvah> (дата обращения: 25.10.2022).
18. А.Гретченко. Ключевые проблемы местного самоуправления в России. file:///C:/Users/User/Downloads/110-202-1-SM.pdf
19. Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуни. 02.09.1993 йилдаги 913-XII-сон